

## ЎЗБЕКИСТОНДА МОНОПОЛИЯНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ВА АДОЛАТЛИ РА҆БАТНИ ТАЪМИНЛАШ СИЁСАТИ

Давлатов Мардон

*Ориентал Университети Иқтисодиёт ва Туризм факултети 2-босқич  
талабаси.*

**Аннотация:** Мақолада монополия сиёсати, унинг тарихи, турлари, жамият ривожидаги ижобий хамда салбий оқибатлари, монополистик ташкилотларнинг давлат бошқарувини издан чиқариши, бозор иқтисодиёти шароитида рақобатбардош корхона, ташкилотларни иқтисодий салоҳиятини, бозорга кириб келишини, ўз ўрнига эга бўлишига қарши сунъий харакатлар амалга ошириш усуслари ва Ўзбекистон шароитида монополияга қарши курашиш чора тадбирларини такомиллаштириш масалалари тадқиқ этилган.

**Таянч иборалар:** монополия, рақобат, УзАутоМоторс, легал, патент, товар белгиси, муаллифлик хуқуқи, олигополия, соф ва сунъий монополия, Артел, рақамлаштириш, концерн, консорциум, синдикат, оддий халқ.

### КИРИШ:

Монополия, монополистлар, Генерал Моторс, Артел каби сўзларни хозирги кунда деярли хар куни хар биримиз эшитамиз. Монополия кўринишидан, ўқилишидан оддийгина сўз бўлиб туюладиган ушбу терминни нафақат иқтисодчилар, истеъмолчилар балки оддийгина 7 ёшлик ўзбек боласи хам жуда яхши тушунади. Мен оддийгина иқтисодиёт факултети талабаси монополия хақида бир тўхтамга яъни фикрга кеганимга 8 йилдан ошди. Эсимни таниганимдан бери ёқолсин монополия, бизга эркинлик керак, растаможка очилсин фермерларга эркинлик керак каби сўзларни эшитиб келаман. Мен Ўзбекистонда монополия хеч қачон тугатилмайди, монополистларга қарши хаттоки олий мажлис депутатлари олий суд раислари хам хеч нарса қила олмаганларидан сўнг бу мавзуу хақида бошқа фикр юритмайман, бу мавзуга бошқа аралашмайман деган эдим. Аммо хозирги кунда жамиятимизда учраётган турли хилдаги ноҳақликлар ичимдаги йиллар давомида сўниб ётган вулқонни портлатди. Бор куч ва салоҳиятимни ишга солиб бу мавзуда мақола ёзишга қарор қилдим. Бу мавзуу жамият хаётида шунчалик чуқур илдиз отганки монополияга қарши фикр билдирамган бирор инсон қолмаган бўлса керак. Бу мавзуу шунчалик қизиқарлики соатлаб, хаттоки кунлаб гаплашиб фикрлар билдириб ечимлар топилгани билан барибир уни охирги нуқтаси илдизи қаерда эканлигини топиш иложсиз. Мен бугунги фикрларимни қарашларимни Ўзбекистонда 1-рақамли монополистик корхоналарига айланган Генерал Моторс яъни оддий халқ тили билан айтганда ГМ, Маиший техника бозорида бир тийинга қиммат бўлиб бораётган Артел, Мусаффо осмонимизни эгаллаган Ўзбекистон хаво йўллари, газни Хитойга сотиб

халқни совуқда қолдираётган Узтрансгаз ва Узнефтгаз, Электр энергиясини Афғонистонга арzon нархда сотиб Туркманистан ва Тожикистандан қимматига сотиб оладиган ЎзбекЭнерго га бағишилайман. Монополиянинг бозор иқтисодиёти ва давлат ривожланишинини орқада қолдиришида асосий сабабчилардан бири эканлигини бутун бир оммага яна бир бор эслатиб қўймоқчиман. Бунинг учун монополия хақида кенгроқ тушунчага эга бўлишимиз керак.

### **АДАБИЁТЛАР ТАХЛИЛИ:**

Хеч қанақанги шубҳага ўрин йўқки монополия бор жойда рақобат йўқолади, натижада бозор шароитида амал қилувчи иқтисодиёт самарадорлигини бозор воситасида тартибга солиш механизми ишдан чиқади.”Бугунги кунда деярли барча мамлакатлар иқтисодиётида монополияларни давлат томонидан тартибга солиш чора-тадбирлари қўлланилиб,бу монополияга қарши сиёsat деб аталади.Давлатнинг монополияга қарши сиёsatи асосини монополияга қарши қонунчилик ташкил этиб, у турли мамлакатларда турли даражада ривожланган бўлади.Одатда, АҚШдаги монополияга қарши қонунчилик нисбатанилгарироқ ва мукаммалроқ ишлаб чиқилган,деб хисобланади.У қўйидаги учта қонунчилик хужжатларига асосланади:

1.Шерман қонуни (1890 йилда қабул қилинган).Бу қонун савдони яширин монополлаштириш,у ёки бу тармоқдаги якка назоратни қўлга олиш,нархлар бўйича келишувларни тақиқлайди.

2.Клейтон қонуни(1914 йилда қабул қилинган).Бу қонун маҳсулот сотиш соҳасидаги чекловчи фаолиятларни,нарх бўйича камситиш,маълум кўринишдаги бирлашиб кетишлар,ўзаро бояланиб кетувчи директоратлар ва бошқаларни тақиқлайди.

3.Робинсон-Петмен қонуни(1936 йилда қабул қилинган).Бу қонун савдо соҳасидаги чекловчи фаолиятлар, “нархлар қайчиси”,нарх бўйича камситишлар ва бошқаларни таъқиқлайди.

1950-йилда Клейтон қонунига Селлер-Кефовер тузатиши киритилди.Унда ноқоний бирлашиб кетишлар тушунчасига аниқлик киритилиб,активларни сотиб олиш орқали бирлашиб кетиш тақиқланди.Агар Клейтон қонуни йирик фирмаларнинг горизонтал равишдаги бирлашиб кетишларига тўсиқ қўйган бўлса,Селлер-кефовер тузатиши вертикал равишдаги бирлашиб кетишларга чеклов киритди.

Ўзбекистонда “Монопол фаолиятини чеклаш тўғрисида”ги қонун (1992-йил август) кучга киритилди хамда унинг асосида рақобатчиликни ривожлантиришга қаратилган бир туркум меъёрий хужжатлар ишлаб чиқилди.Мазкур қонунга кўра,бозорда атайлаб тақчиллик ҳосил қилиш,нархларни монополлаштириш,рақобатчиларнинг бозорга кириб боришига тўсқинлик қилиш,рақобатнинг фирмом усувларини қўллаш ман этилади.Қонунни бузувчилар рақибиға етказган заарни қоплашлари,жарима тўлашлари, фирмомлик билан олган фойдфун махрум этилишлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1996-йил 27-декабрда "Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат түғрисида"ги янги қонун қабул қилинди. Ушбу қонун монополистик фаолият ва фирром рақобатнинг олдини олиш, уни чеклаш, тұхтатишинг ташкилий ва хуқуқий асослари белгилаб беріб, республиканинг товар бозорларида рақобат муносабатларини шакллантириш ва самарали амал қилишини таъминлашга қаратылган."

[Иқтисодиёт назарияси дарслик Шодмонов.Ш.Ш. 183, 186-саҳифалар.]

Тадқиқот методологияси: Бутун дунё ва Ўзбекистон бүйича йиғилган илмий мақолалар, дарсликлар, профессор олимларнинг фикр-мулохазалари уларнинг назарий ва амалий стратегиялари илмий ишлари мазкур тадқиқотнинг назарий-услубий асосларини ташкил этади. Тадқиқотда абсракт ва аналитик мушохадалар, норматив, позитив ва сиёсий таҳлил, қиёсий ва омилли таҳлил каби усууллардан фойдаланилган.

Мақолани тайёрлашда АҚШ антимонополия қўмитаси, Ўзбекистондаги монополияга қарши қурашиб ва рақобатни ривожлантириш агентили. Иқтисодий таълимотлат тарихи (Ш. Тошматов), Иқтисодиёт назарияси дарслик (Шодмонов.Ш.Ш.), жонкуяр ўзбек халқининг монополияга қарши салбий хамда ижобий фикрлари, қарашлари ва муаммони хал этишда ўзининг таклиф ва мулохазалари келтириб ўтилган.

### **ТАҲЛИЛЛАР ВА ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ:**

Монополия грекча монос-ягона ва полео-сотаман сўзларидан келиб чиқсан бўлиб якка хукмронлик деган маънони англатса хам асли келиб чиқиши бозорга оид тушунчалардан таркиб топгани билан, унинг иқтисодий асоси аслида ишлаб чиқаришга бориб тақалади.

"Монополияни қўйидагича таърифлаш ўринли: Монополия-монопол юқори нархларни ўрнатитиши хамда монопол юқори фойда олиш мақсадида тармоқлар, бозорлар ва яхлит макроиқтисодиёт устидан хукмронликни амалга оширувчи йирик корхоналарнинг бирлашмалари. Монополия – иқтисодиётнинг 1 соҳасида танҳо хукмронлик, бозорни ташкил этиш шакли. Бундай бозорларда ягона сотувчи ўз товари билан фаолият кўрсатади, бошқа тармоқларда бундай товарнинг ўринбосари бўлмайди. Монополия-ишлаб чиқариш воситалари, ишчи кучи ва яратилган махсулотлар асосий қисмининг озчилик корхоналар, сохибкор шахслар ёки давлат қўлида тўпланиши натижасида пайдо бўлади. Монополия кўринишлари қадимдан мавжуд. Ноёб махсулот этиштиладиган ерлар, конлар, сув хавзалари, ўрмонлар ва бошқа табиий манбалар озчилик қўлида тўпланиб, эгаларига монопол мавқе берган, улар маълум махсулотни бозорга танҳо етказиб берувчиларга айланиб, у ерда хукмрон бўлганлар." [1]

Монополия тушунчасига турли ўқув адабиётларида турлича таъриф берилган. Баъзи ўринларда уни "давлат, корхоналар, ташкилотлар, сотувчиларнинг

қандайдир хўжалик фаолиятини амалга оширишдаги мутлақ хуқуқи” [2] сифатда қаралса бошқа холатларда “фаолиятнинг у ёки бу соҳасида шахс ёки кишилар гурухининг хар қандай хукмронлик холати” [3] деб таърифланади.

### **МОНОПОЛИЯНИНГ ТУРЛАРИ:**

“Соф монополия-тармоқдаги ягона ишлаб чиқарувчи ёки сотувчининг нарх ва ишлаб чиқариш хажмини белгилашдаги яккахукмронлик холати хисобланади.Ўзбекистонда соф монополиялар таркибига “Уз-Авто-Моторс” “Ўзбекистон хаво йўллари”ДАК, “Ўзбекистон темир йўллари”ДАК, “Тошкент авиатсия ишлаб чиқариш бирлашмаси” ни мисол келтиришимиз мумкин.Улар хақиқатдан хам ўз тармоқларидағи якка ишлаб чиқарувчилар хисобланади.”[4]

Баъзи бир вақтларда битта тармоқда монополист ишлаб чиқарувчилар сони кўпайиб кетиб монополистик рақобатни юзага келтиради,бунга мисол қилиб Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган АТЛАС мебел,Арт мебел, Зелёний чай,Кристалл кир ювиш воситаси, Вип Бренд,Империя каби кийим кечак ишлаб чиқарувчи ва савдо тармоқларини келтирсак бўлади.

Олигополия-тармоқдаги бир неча йирик ишлаб чиқарувчи ёки сотувчининг нарх ва ишлаб чиқариш хажмини белгилашдаги хукмронлик холати хисобланади.Олигополист-ишлаб чиқарувчиларга Ўзбекистонда цемент(асосан Бекобод,Қувасой,Охангарон,Навоий шахарларида жойлашган),кўмир (Ангрен шахри Сариосиё (Шарғун) ва Бойсун(Тўда) туманларида жойлашган) ишлаб чиқаришни мисол келтириш мумкин. [5]

Буларни қаторига Ўзбекистондаги шприц ишлаб чиқарадиган ЭКОС СП ООО,ХЕАЛТХ ЛИНЕ СП ООО,УЗ-КОРЕА МЕДИКАЛ ва АСКЛЕПИЙ-СВИФТ СП ООО корхоналарини мисол келтирсак бўлади.Юқоридаги корхоналар Ўзбекистон бозорида хукмронликни эгаллаб олиб шунақанги стратегия ишлаб чиқканки хар битта ишлаб чиқарилган маҳсулотига кетган харажат устига энг минимал 10 сўмдан нарх қўйиб бозорга тарқатишади.Бу стратегия билан улар шприц нархини камайтириб бозордаги талаб миқдори кўплиги учун оз миқдордаги фойда хам уларнинг харажатини қоплагани учун бошқа кампаниялар ушбу нархда маҳсулот ишлаб чиқариб бозорга тарқатса умумий харажатлари узоф йиллар заарга қараб кетишини хисоблаб кўриб ушбу бизнесга киришга харакат хам қилишмайди ва бў бизнес ўзини оқлашига ишонишмагани учун бу тармоққа киришимайди.Натижада бу 4 та корхона бозорга ўз соҳаси бўйича узоқ йиллар хукмронликни сақлаб келишаверади.

“Табиий монополия:Корхонанинг технологик хусусиятлари сабабли маҳсулотга бўлган талабни қондириш рақобат мавжуд бўлмаган шароитда самаралироқ амалга оширилувчи товар бозорининг холати.Бундай самарадорлик ишлаб чиқариш хажмининг кўпайиб бориши билан товар бирлигига тўғри келувчи хўжалик харажатларининг ахамиятли даражада пасайиб боришида намоён бўлади.Табиий монополия субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар истеъмолини бошқа турдаги маҳсулотлар билан алмаштириб бўлмайди.”[6]

Табиий монополия субъектларини давлат қатъий тартибга солиб туради бунга мисол қилиб ўзбекистонда электр энергияси ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш ва уларни етказиш темир йўллардаги юк ва йўловчи ташиб хизматларини киргизсан бўлади. Яна бунга мисол қилиб дунёдаги етказиб бериш хизмати бўйича энг гигант бўлган АМАЗОН компаниясини хам мисол қилишимиз мумкин.Бу компаниялар ўз соҳаси бўйича монопол хокимиятни эгаллаб олишган бўлса хам буларнинг нарх сиёсати ишлаб чиқаришга кетган харажатлари ва хомашёларнинг ноёблиги қимматлиги эвазига нарх табиий равишда ўсиб бориши мумкин. Аммо сунъий тарзда бу корхоналар нарх сиёсатини оширса ёки истеъмолчилар олдидағи мажбуриятларини бажармасалар уларга давлат томонидан зарур чоралар қулланилади.

Легал (қонуний) монополия:Бу қонуний тарзда ташкил этилган монополистик тармоқнинг бир тури хисобланади.Унинг таркибиға рақобатдан химоя қиласидиган 1)Патент тизими,2)Муаллифлик хуқуқи,3)Товар белгилари киради.

Патент-Ихтирочилар ва муаллифлар томонидан яратилган турлии хилдаги ихтиrolар,янгиликлар,фойдали тизимлар,моделларнинг намуналарини тасдиқлайдиган ва уларга мутлақо хуқуқни берадиган тизим хисобланади.

Бу тизимдаа ихтирочи қилган ихтироси учун патентга ариза топширади ва тасдиқдан ўтганидан кейин ушбу ихтиро қонуний тарзда унинг эгаси хисобланади.

Муаллифлик хуқуқи-Бирор бир илмий,бадиий ва санъат асарларини ижро этиш ёки телевиденияларга узатишни яратиш ва улардан фойдаланишни қонуний тартибга солиш шакли хисобланади.Бу хуқуқни олган муаллифнинг ўзигина сотиш,ижараага бериш,нусха олиш ва кўпайтиришга рухсат бориши мумкин.Унинг рухсатисиз нусха олиш ижро этиш таъқиқланади ва жавобгарлликка тортишга асос бўлади.

Товар белгиси-Савдо белгилари рамзлари нишонлари савдо белгисининг номларини рўйхатга олиш,уни хуқукий химоя қилиш ва фойдаланишни конуний тарзда тартибга солиш шакли хисобланади. Соса Сола компаниясини оладиган бўлсак бу ном остида бирор бир бошқа корхона бу маҳсулотни ишлаб чиқариб сотувга чиқара олмайди.Фақатгина келишув ва франчайзинг асосида шартнома тузиб ушбу товар белгисидан фойдаланиш мумкин.Масалан: Ўзбекистондаги THE COCA COLA компанияси бу номдан фойдаланиб келаяпди.

“Сунний монополия-монопол фойда олиш мақсадида ташкил этилувчи бирлашмаларнинг шартли номи.Сунний монополия ўз манфаатлари йўлида бозор мухити тузилишини атайлаб ўзгартиради яъни бозорга янги рақибларнинг кириб келишига йўл қўймаслик учун турли тўсиқлар хосил қиласиди(Хомашёларни ва энергия манбаларини эгаллаб олади,банкларни янги корхоналарга кредит беришини тақиқлашга харакат қиласиди),Ишлаб чиқаришдаги энг юксак даражадаги технологиясига эришиб қолган рақибларини бу даражага чиқишига имкон бермайди,Ўз фаолиятини юқори даражада реклама қилиш орқали бошқа рақобатчиларни бозордан сиқиб чиқаришга харакат қиласиди.” [7]

Бунга яққол мисол қилиб АРТЕЛ компаниясини кўрсатишимиш мумкин. Артел ўзининг бозордаги монополиясини эгаллаш учун божхонадан бошқа турдаги майший техника воситаларини кириб келишида чекловлар ўрнатилишига эришди.Ўзини телевидения ва оммавий ахборот воситалари ва интернет тармоғи орқали узлуксиз рекламалари орқали Ўзбекистон бозорида майший техника бозорида суний монополияни яратди. Бу стратегиялари орқали хозирги кунда компания маҳсулотлари 2-3 баробарга қимматлашди ва корхона фойдасини имкон қадар максималлаштиришга ва бозордаги ўрнини сақлаб қолишга харакат қилаяпди.

“Сунъий монополиялар Картел, Синдикат,Трест,Консорциум ва Концерн каби аниқ шаклларда намоён бўлади.

Картел:-Битта саноат тармоғидаги бир неча корхоналарнинг уюшмаси бўлиб,унинг иштирокчилари ишлаб чиқариш воситалари ва маҳсулотларига ўз мулкий эгалигини,сақлаб қолади,яратилган маҳсулотларни сотиш эса квота,яъни маҳсулот ишлаб чиқариш умумий хажмидаги хар бир иштирокчининг улуш,сотиш нархлари,бозорларнинг бўлиб олиниши ва х.к бўйича келишув асосида амалга оширилади.

Синдикат-бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқарувчи бир неча корхоналарнинг бирлашмаси.Бунда ишлаб чиқариш воситаларига мулкчилик бирлашма иштирокчиларининг ўзида сақланиб қолгани ҳолда,улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиш маҳсус ташкил этилган ягона савдо ташкилоти орқали амалга оширилади.

Трест-Ишлаб чиқариш воситалари ва тайёр маҳсулотга биргалиқдаги мулкий эгаликни таъминловчи ишлаб чиқарувчиларнинг юридик шахс кўринишидаги бирлашмаси.

Консорциум-Тадбиркорларнинг йирик молиявий операцияларини биргалиқда амалга ошириш мақсадида бирлашуви(масалан,йирик миқёсли лойихаларга жуда катта миқдорда ва узоқ муддатли кредит бериш ёки инвестициялар қўйиш.

Концерн-Расмий жихатдан мустақил бўлган,кўп тармоқли корхоналар(саноат,савдо,транспорт ва банк каби турли соҳа корхоналари)нинг мажмуини ўз ичига олевчи бирлашма” [8] Хозирги вақтда сунъий монополиянинг ушбу тури жуда кенг тарқалган бўлиб бунда бош ташкилот қолган иштирокчилар фаолияти устидан тўлиқ молиявий хукмронлик қиласи.Бундай концернларга Ўзбекистондаги ЎзАвтоЙўл,Ўзкимёсаноат,Ўздавмашконсерн,Радиоэлектронтехасбоб кабиларни мисол қилиб келтирсак бўлади.

Картелга мисол қилиб ОПЕК ташкилотини олсак бўлади. Синдикатларга Ўзбекистондаги Марказий банк, Капиталбанк ва Саноатқурилиш банк каби банкларни киргизамиз.

Трест-Буларга мисол қилиб жаҳон гигант компаниялари ГУГЛ,ЭПЛ,ФЕЙСБУК ва АМАЗОНни мисол қилишимиз мумкин.

Консорциум- Ўзбекистон Россия бошчилигидаги консоциумга қўшилган эди.Россия тиббиёти аллақачон фармацевтиканинг қулига айланганлигини хисобга олсак рус профессорлар айнан ўзларида ишлаб чиқарилган дориларни тавсия қилишади,шу туфайли ўзларининг маҳсулотини бизга миллиардлаб долларга пуллашади ва айтишадики бу препаратлар энг яхшиси.Ўзбек халқидаги Хўроқанд чет элники деса ётиб ялашади деган иборани руслар ўзига асос қилиб халқимизни роса талон тарож қилишади.

### **ХУЛОСА**

Монополияни ўрганар эканман бу тизимнинг ижобий томонлари хам салбий томонлари хам мавжудлигини кўрдим.Ижобий тарафи шундан иборатки маълум бир тармоқларга нисбатан самарали бўлади ва ҳаражатларнинг тежалишига олиб келади. Легал монополиянинг асоси бўлган патентлаш,муаллифлик хуқуқи, ва товарнинг белгилари бозордаги жамиятдаги инсонларнинг хуқуқий манфаатларини химоя қиласиди.Уларнинг товар номига ихтиrolарга бадиий асарларга бўлган эгалик хуқуqlари кафолатланади.

### **САЛБИЙ ТАРАФЛАРИНИ АЙТАДИГАН БЎЛСАМ**

Бозордаги соф рақобатни ўлдиради.Яъни монополист якка хукмрон бўлганлиги учун нарх сиёсатини ўзи белгилайди хохласа нархни тушириб хохласа нархни маълум миқдорда оширади,хохласа маҳсулот хажмини оширади, хохласа камайтиради, хохласа умуман ички бозорга маҳсулот чиқармасдан(сотмасдан) четга экспорт киласиди;

-Ресурсларнинг тенг тақсимланмаслиги; Бунда корхоналар юқори даромад ортидан қувиб ишлаб чиқаришни суний равишда чеклаб қўяди ва нархларнинг кўтаради,ишлаб чиқарган маҳсулотларига кетган хомашёнинг хам сифатсиз турларидан фойдаланади. Натижада иқтисодий самарадорикни бозор шароитида тартибга соладиган механизмни ишдан чиқаришади.

-Даромадлардаги тенгсизлик кучаяди. Бунда монополист нархни кескин кўтариши натижасида оддий ахолининг даромадлари камайиши кузатилади.

“Айрим менеджерлар,бошқарувчилар иқтисоднинг айрим оддий тушунчаларидан йироқлигига аллақачон амин бўлдик.Бироқ, агар мен автомобил монополисти бўлганимда хеч бўлмаса истеъмолчиларнинг жигига тегиб битта жумлада “арzon автомобил” ва “10000-15000 АҚШ доллари” ни ишлатмаган бўлар эдим.Ахолининг кўп қисми миллион сўм атрофида маошга яшашини унутмайлик” [9] Мен бу фикрни айтган Ўзбекономикс телеграм канали асосчиси Ботир Кобиловнинг фикрларига тўлиқ қўшиламан.Чунки ахолимизнинг асосий қатлами ўртacha 2 миллион сўм маошга кун кўришади. Битта оддий инсон оддийгини дамас мошинасини олиши учун (ойлик маоши 2 млн сўм бўлса) хеч нарсага пул ҳаражат қилмасдан емай ичмай 3 йил у 7 ой ва 5 кун ишлаши керак экан (дамас нархи 86 млн 110 минг сўм).Энди унинг оиласи, бола чақаси рўзғори бор бўлса ойига 1 млн сўмдан йиғиб борган тақдирда хам 7 йил 2 ой 10 кун ишлаши керак халиям мен котта болларни гентрасини

ёки бойваччаларни малибу,треккер ёки яқында чиққан оних каби усти ялтироқ ичи қалтироқ мошиналарини айтмаяпман.Агар уларни хисобладиган бўлсак биз каби оддий ахоли мошина олгунига қадар инсоният ойга яшаётган бўлади.

-Иқтисодий турғунлик ва фан техника тараққиёти орқада қолади.Яъни монополист махсулот сифатини оширишга интилмайди,харидорларнинг манфаатлари четга суриб қўйилади ва махсулотлар хилма хиллиги кенгаймасдан қолади.

-Иқтисодиётда демократик харакатларни тўсиб қояди. Бунда монополист ўз ишчиларига кам иш хақи тўлаши махсулотларини жуда баланд нархлар ўрнатилиши ва ўз махсулотини истеъмоли учун ахолига билвосита усувлар орқали мажбурлашлар ва камситувчи шартлар қўйиши кузатилади.

#### **МЕНИНГ ТАКЛИФЛАРИМ:**

-Сунъий монополия корхоналарини бирнеча корхоналарга парчалаб юбориш ва улар устидан давлат сиёсати даражасида назорат ўрнатиш

-Бозордаги талаб ва таклиф қонунидан келиб чиққан холда УзАвтоМоторс корхонасини сифатли ишлаб чиқариш хажмини кескин ошириб автомобиллар нархини максимал даражада тушириш.Бу стратегия ўзини 100 % оқлайди чунки нарх тушганидан кейин автомобилларга бўлган талаб хам ошади корхона 1 йилда 300 мингта автомобиль ишлаб чиқариб ўртacha 150 млн дан сотган бўлса 40 млрд \$ топган бўлса ишлаб чиқаришни 500 мингтага етказиб ўртacha 100 млн дан сотса 44 млрд 642 млн \$ даромад кўради дегани.Бу дегани 4 млрд 642 млн \$ қўшимча даромад ва оддий ахолининг машинага бўлган талабини максимал даражада қондиришга қаратилган улкан харакат бўларди.

-Монополияга қарши курашиб қўмитасини фаолиятини аралашибни кескин таъқиқлаш ва у ерда ишлаётган ходимларни хавфсизлигини таъминлаш уларга кониқарли маош тайинлаш.

- айрим соҳалардан ташқари (Ахолининг шахсий кунлик истеъмол товарлари,транспорт йўл харажатлари,тиббий хизматлар ва таълим сифатини ошириш)барча корхона ва ташкилотларда давлатнинг ва монополистик ташкилотларнинг бозор иқтисодиётига аралашибини кескин камайтириш.

-Иқтисодиётга рақамлаштиришни янги технологияларни олиб кириш.

-Монополист ташкилотларга максимал тарзда энг юқори нархни белгилаш сиёсатини амалга ошириш керак. Масалан: Ишлаб чиқаришга кетган жами харажатларнинг устиги ўртacha 25% дан ортиқ нарх ўрнатмаслик шартномаси тузилиши керак монополист махсулотига 20000 сўм харажат қилиб 25000 сўмгача сотиши мумкин агарда уни 30000 мингга сотадиган бўлса антимонополия департаменти хисоблаб чиқиб ортиқча қўйиб сотилган 5000 сўмни давлат буджетига мусодара қилиш керак ва монополистга қонуний жарима қўллаш керак.

-Баъзи бир давлат ишида ишлаб давлатнинг қонунларини ўзининг манфаатлари йўлида фойдаланаётган шахслар устидан назоратни қўлга олиш давлат идораларини коррупсия ва таниш билишчиликлардан холи холда иқтидорли ўз ишининг устаси

бўлган тажрибаси бўлмаса хам ўзининг қарашлари стратегиялари билан олдинга юришга мажбур қиласидиган ёшлар кадрлар билан бойитиш. Зеро иқтисодиёт вазирлигига прогнозларни хато қилиб арzon нархда Газни Хитой ва Россияга, Электрни Афғонистонга сотиб ўз ахолисини совуқда газсиз электр энергиясиз қолдириб яна қиммат нархда Туркманистандан газ ва электр энергия Тожикистандан элеэктр энергия сотиб олиб давлат бюджетига млярдлаб зарар келтирадиган раҳбар ходимларни бизга кераги йўқ. Авваламбор биринчи навбатда халқнинг истеъмол савати, яшаш шароити юқори даражада бўлиши керак.

Олий ўқув юртлари талабалари билан Япония ва Германия стратегияси бўйича республикадаги мавжуд давлат ташкилотлари корхона ва муассасалар ўртасида шартномалар тузилиши керак. Назария билан амалиёт биргаликда ўргатилиши керак ана шундагина бугун ўқиши тамомлаган талаба раҳбари олдида хам бутун колектив олдида хам ўзининг фикрларини стратегияларини бемалол айтиб амалиётда уни амалга ошира олади.Хаттоқи кучли билим ва ўрганган амалиёти эвазига баъзи монополист раҳбар ташкилот ходимлари билан хам бемалол рақобатлаша олади раҳбари гапига кириб коррупсияга аралашмайди ва унга қарши чиқа олади.Биз жамиятимиз орасида эпидемияга айланган ушбу вирусларни илдизи билан тозалашимиз керак.Зеро соғлом авлод, соғлом жамият ва соғлом рақобат ривожланишнинг энг асосий калитидир.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР ТЎПЛАМИ:**

1. Википедия. Монополия бу?

2. Экономическая теория: Учебник – Изд,испр и доп/ Под обў ред.акад. В.И.Видяпина, А.И.Добринина,Г.П.Журавлевой,Л.С.Тарасевича.-М.:ИНФРА-М,2005,121-ст.

3. Куликов.Л.М. Экономическая теория: Учебник-М.:ТК Вебли,изд-во Проспект,2005,191-ст.

4.5.6.7.8.Иқтисодиёт назарияси дарслик Шодмонов.Ш.Ш. 177-183-саҳифалар

9. Ўзбекономикс телеграм канали t.me/uzbekomics.